

**«SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг
2014 йил 9 ойлигида ишлаб чиқариш ва иқтисодий
кўрсаткичларини бажарилиши бўйича
МАЪЛУМОТ**

I. Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йилнинг асосий яқунлари ва 2014 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда «SHARQ» НМАҚда 2014 йил 9 ойлигида ишлаб чиқариш ва иқтисодий ривожланишида кўйидаги ишлар амалга оширилди.

Ҳисобот даврида «SHARQ» компанияси томонидан 26 950,00 млн. сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ёки 2013 йил шу даврига нисбатан 118,1 фоизга ўсди.

Товар маҳсулотларини сотилиши 27 370,9 млн. сўмни ташкил этиб, 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 114,1 фоизни ташкил қилди.

Импорт ҳажми 4 920,0 минг АҚШ долларини ташкил этади ва ўтган йилга нисбатан 740,5 минг АҚШ долларига кўпдир.

Тайёр маҳсулот ва хизматлар экспорти 66,92 минг АҚШ долларига тенг бўлди.

Дебитор қарзлар 2014 йил бошига 5 640,0 млн. сўм, 2013 йил 9 ойлигида 7 238,2 млн. сўм, 2014 йил 9 ойлигида 6 105,4 бўлди, ёки йил бошига нисбатан 108,2 фоиз, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 84,3 фоиз бўлди. Муддати ўтгани йўқ.

Кредитор қарзлар 2014 йил бошига 5 935,8 млн. сўм, 2013 йил 9 ойлигида 5 181,6 млн. сўм, 2014 йил 9 ойлигида 7 104,3 бўлди, ёки йил бошига нисбатан 119,6 фоиз, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 137,1 фоиз бўлди. Муддати ўтгани йўқ.

Жами ишчилар сони 737 тани, ўртача ойлик иш хақи 659033 сўмни ташкил этди. Ойлик маош, нафақа тўловларидан қарзлар йўқ.

Соф даромад 562,0 млн. сўмни ташкил қилди.

Қолдиқ маҳсулотлар ҳажми 1 629,5 млн. сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич нормадан ортиқ эмас.

2014 йил 9 ойлигида ишлаб чиқаришнинг натурал кўрсаткичлари:

- газеталар 63,8 млн. нусха
2013 йил шу даврга нисбатан 101,3% ташкил этади;
- журналлар 1,08 млн. нусха
2013 йил шу даврга нисбатан 113,7% ташкил этади;
- китоб маҳсулотлари 8,1 млн. нусха
2013 йил шу даврга нисбатан 176,1% ташкил этади.
- ўқув дафтарлар 10,0 млн. нусха
2013 йил шу даврга нисбатан 103% ташкил этади.
- офис қоғози (А4) 45,0 минг пачка
2013 йил шу даврга нисбатан 104,2% ташкил этади;

II. Жаҳон иқтисодий инқирози олдини олиш борасида республика Президенти томонидан қўйилган вазифаларнинг бажарилиши.

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодийни реал секторидаги корхоналарнинг бир маромда ишлашини таъминлаш ва уларнинг экспорт салоҳиятини оширишда қўллаб-қуватлаш чора-тадбирлари дастури ҳақида»ги ПФ-4058-сонли Фармони бажарилиши бўйича «SHARQ» компаниясида 2014 йилга аниқ Чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ушбу чора-тадбирларни бажарилишида компания асосий эътиборини товар маҳсулотларининг таннархини туширилишига қаратмоқда.

2014 йилда товар маҳсулотларнинг таннархи 2 300,0 млн.сўмга, яъни 11,5 фоизга камайтирилиши режалаштирилган бўлиб, 2014 йил 9 ойлигида 1727,2 млн.сўмни ташкил этиб 11,54 фоизга тенг бўлди.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сон Қарорини бажарилиши бўйича қуйидаги ишлар қилинди:

Компанияда маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган импорт ўрнини босувчи хом-ашё ва материаллар харид қилиш бўйича республикамиздаги ишлаб чиқарувчилар билан 2014 йилга 6 030,43 млн. сўмлик шартномалар тузилган, шу жумладан 9 ойликда 4 422,1 млн. сўм режалаштирилган бўлиб, амалда 4 425,6 млн. сўмлик хомашё харид қилинди ва режа 100,0 фоизга бажарилди.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 26-сонли «Мамалакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши бўйича:

Ёш авлоднинг маънавий қиёфасини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатадиган ахборот ва тасвирга эга норасмий босма маҳсулотларнинг чоп этилишига барҳам бериш, уларнинг ички бозордаги савдосини бутун чоралар билан тугатиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 234-сонли қарори ижросига асосан мактаб ўқувчилари учун ўзига ҳос миллий

кўриниш ҳамда юксак тарбиявий аҳамиятга эга ёзув, шунингдек, кундалик дафтарлари 2014 йил 9 ойлигида 10,0 млн. нусхада чоп этилди.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 24 октябрдаги “2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси тўғрисида”ги 6-сон мажлис Баёни ижросини таъминлаш мақсадида 2014 йилда компанияда жами 50 та янги иш ўринларини яратиш, жумладан тармоқни ривожлантириш хисобига 13 та, касаначилик иш ўринларини яратиш хисобига 37 та янги иш ўринларини яратиш белгиланган.

2014 йилнинг 9 ойлигида компанияда тармоқни ривожлантириш хисобига 13 та, касаначилик иш ўринлари хисобига 37 та янги иш ўринлари яратилди.

III. Ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари бўйича Хукумат томонидан қўйилган вазифаларнинг бажарилиши.

3.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.10.2012 йилдаги ПҚ-1836-сон “Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни ривожлантириш бўйича “Шарқ” компаниясида АКТ маркази ташкил этилиб, уни малакали мутахассислар билан тўлдирилиши таъминланган. Алоқа, ахборотлаштириш, телекоммуникация технологиялар Давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган махсус АКТ бўлимларининг намунавий низомига асосан компания АКТ марказининг низоми ишлаб чиқилган, ташкилий тузилмаси тасдиқланган.

3.2. 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича Республика Комиссиясининг топшириқларига асосан Компанияда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали фуқаролардан келиб тушган мурожатларни ўз вақтида кўриб чиқиш бўйича қабул қилинган механизмларни такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар қабул қилинган. ЯИДХП шахсий кабинетига уланиши таъминланган ҳамда портал орқали келиб тушаётган мурожатларни ўз вақтида қабул қилиш бўйича маъсул ходимлар тайинланган. 25.09.2014 й. ҳолатига портал орқали 24 мурожатлар қабул қилиниб, уларга тааллуқли бўлимлар томонидан ўз вақтида жавоб хатлари юборилган.

Бундан ташқари “Электрон хукумат” тизими доирасида компания мутахассислари томонидан бўш иш ўринлари бўйича порталда доимий равишда маълумотлар тўлдириб борилмоқда.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 355-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида компаниянинг Интернет тармоғидаги веб-сайти бутунлай янгиланди, янги дизайн асосида замонавий, ахборотни визуаллаштириш элементларидан фойдаланилди ҳамда аҳолига кўрсатилаётган интерактив хизматларни инобатга олган

холда модернизацияси амалга оширилди. Янгиланган расмий веб-сайтда интерактив хизматларнинг сони 6 тага етказилди.

Компания томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг, шу жумладан интерактив шаклга ўтказилиши режалаштирилган хизматларнинг инвентаризацияси ўтказилди. Кўрастилаётган хизматларнинг реестрига асосан 9 та хизмат турларининг паспортлари тасдиқланди ҳамда NIS.UZ тизимига жойлатирилди.

Аҳолидан келиб тушаётган мурожатларни кўриб чиқилишини автоматлаштириш мақсадида 2014 йилнинг охиригача Ягона интерактив давлат хизматлари портали билан интеграциялаш режалаштирилган.

Бундан ташқари, ушбу қарор талабларидан келиб чиққан холда веб-сайтни доимий равишда янгилаб бориш бўйича чора-тадбирлар тасдиқланган.

3.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 апрелдаги ПҚ-2158-сонли “Иқтисодиётнинг реал секторига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Шарқ” компаниясида 2014-2015 йилларда “Молия ҳисоби ва ҳисоботларни, персонални бошқариш, оператив ва ишлаб чиқариш-технологик фаолиятни компьютерлаштириш бўйича комплекс интеграциялашган ахборот тизимини жорий этиш” лойиҳасини амалга оширилиши белгиланган. Лойиҳанинг умумий қиймати 400,0 млн. сўмни ташкил этиши белгиланган.

Лойиҳани ўз вақтида бажарилишини таъминлаш бўйича тасдиқланган Тармоқ жадвалига асосан “УзАлоқаКонсалтинг” компанияси томонидан лойиҳа ДТИАси ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжатга асосан “Шарқ” компаниясида комплекс интеграциялашган ахборот тизимини жорий этиш бўйича харажатларининг бугунги кунга қилинган ҳисоб-китобларнинг умумий қиймати 281,0 млн. сўмни ташкил қилиши режалаштирилган.

Хозирги вақтга келиб ДТИА компаниянинг 13.08.2014 й.даги 1/11-903-сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига келишиш учун киритилган.

3.5. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 мартдаги “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг малакасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 73-сонли қарорига асосан Тошкент алоқа технологиялари университетида белгиланган лавозимлар бўйича малакаси оширилиши режалаштирилган ходимлар рўйхати тайёрланди. Университет билан келишилган холда тасдиқланган график асосида ўқув дастури бўйича ушбу ходимларни янги ташкил этилган “Электрон ҳукумат” ўқув марказида малакасини ошириш режалаштирилган. Ўқув маркази билан шартномалар тузиш ишлари олиб борилмоқда.

Компания ходимларининг иш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларини оширишга доир 56 нафар ишчи ва ходимларга ўқув курслари ташкил этиб, малака имтиҳонларидан муваффақиятли ўтишган ҳамда гувоҳномалар тақдим этилган. Қабул қилинган дастурга асосан яна 60 нафар ишчи ва ходимларни “Электрон ҳукумат” ўқув

марказида график асосида ўқитиш режалаштирилган бўлиб, 2014 йил феврал ойида 15 нафар ходимларимиз ушбу ўқув курсида қатнашиб сертификатлар олишди.

3.6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2013 йил 18 июлдаги Ахборот хавфсизлиги талабларининг бузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида тегишли чоралар кўриш тўғрисидаги топшириғини (№08/1-438 19.07.2013й.) бажарилиши бўйича ходимлар томонидан Интернет тармоғидан самарали фойдаланиш ва хизматга доир ва бошқа турдаги муҳим ахборотларини замонавий ахборот-коммуникация технолоиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда ружсатсиз кўчириб олиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида Интернет тармоғидан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш, шахсий ёзишмалар учун эса миллий электрон почта хизматлари ва ижтимоий тармоқлардан (umail.uz, inbox.uz, freemail.uz, id.uz, muloqot.uz ва бошқалар) фойдаланиш зарурлиги юзасидан тушунтириш ишлари, компанияда қабул қилинган Ахборот хавфсизлиги регламенти билан таништириш ишлари ташкил қилинди.

Тармоқ администратори томонидан ҳар бир ходимнинг Интернет-трафигини мониторинг қилувчи ҳамда чеклов ўрнатувчи махсус дастурлар ўрнатилди ҳамда ушбу дастурлар имкониятларидан фойдаланган ҳолда хорижий электрон почта хизматлари ва ижтимоий тармоқларга чеклов ўрнатилган (mail.ru, gmail.com, gambler.ru, yandex.ru, odnoklassniki.ru, facebook.com ва бошқалар).

Хизматга доир ҳужжатларни ва ёзишмаларни фақатгина миллий химояланган ва расмий электрон почта (eXat, eHujjat, sharq.uz) хизматларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда. 25.09.2014 йил ҳолатига 1459 дона кирим ва чиқим хатлари рўйхатга олинган бўлса, шундан 334 дона хатлар электрон кўринишда ва 220 дона хат eXat орқали қабул қилинган ва бошқа вазирлик, идора, бошарув органларига юборилган.

Бугунги кунда компания бўйича 110 га яқин компьютерлар Интернет тармоғига уланган. Интернетни юқори тезликда ва узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида трафиклар 3 та параллель ADSL линиялари орқали етказилади. Компаниянинг компьютер техникаси парки янгиланди. Маълумотларни ўз вақтида етказиш мақсадида ҳар бир цех ва участка замонавий компьютерлар билан жиҳозланган ва компания локал тармоғига уланган.

Газета ва журналлар тахририятларидан қабул қилинаётган файлларни тезлаштириш мақсадида компания ҳамда тахририятлар ўртасида оптик толали тармоқ ўрнатилган.

Компаниянинг 2014 йилга белгиланган Бизнес-режасида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича харажтлар сметаси белгиланган ва 2014 йил мобайнида жами бўлиб ушбу соҳани ривожлантиришга 550,7 млн. сўм сарфланиши режалаштирилган.

IV. Компаниянинг ривожланиш тенденциялари.

2014 йил 9 ойликда халқ истеъмоли товарларини кенг ассортиментда ишлаб чиқариш давом эттирилди (иш журналлари, дафтарлар, хўжалик ва ёзув қоғозлари). Бу ўз навбатида давлат буюртмаларига боғлиқликни камайтирилишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 апрелдаги “Саноат тармоқлари корхоналарининг маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарини жадал янгилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 115-сонли қарорининг бажарилиши бўйича, компанияда 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган тармоқ-жадвали бўйича маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарни замонавий, жаҳон даражасида синовдан ўтган асбоб-ускуналар билан алмаштириш режалаштирилган.

Бу йўналиш бўйича 2014 йил июл ойида янги газета чоп этиш ускунасини ишга туширилди.

Бундан ташқари 2014 йил якунигача қуйидаги асбоб ускуналарни модернизацияси режалаштирилган:

1. «Tung Shan» Пластина проявка қилувчи Процессор.
2. СТР «Akfa Avalon».
3. «Сейпа» бир пичоқли кесиш ускунаси.

V. «Соғлом бола йили» Давлат дастурини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида Компанияда чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва 2014 йил 9 ойлигида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

– Компания ишчи-хизматчилари орасида “Соғлом бола йили” Дастури доирасида “Оилада отанинг ўрни” ва “Аёл соғлиги – миллат соғлиги” мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди;

– Янги қурилаётган оилаларга тўй маросимини ўтказиш учун 28,9 млн. сўм фоизсиз ссуда берилди;

– Компания ишчи ва хизматчиларини кредит асосида маиший техникалар билан таъминлашга 207,2 млн. сўм сарфланди;

– «Навбаҳор» санаторий-профилакториясида 630 нафар ишчи-хизматчилари ўз саломатликларини тиклади, шаҳримиздаги театрларга 1125 нафар ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ташрифи таъминланди;

– “Фазогир Гагарин” болалар оромгоҳида ёзги мавсум бошланиб 694 та болалар дам олишди.